



**TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB
MASALALARI, NAZARIYA VA
INNOVATSION TA'LIM
TEKNOLOGIYALARI**



**XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI TO'PLAMI

NUKUS – 2021

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**AJINIYOZ NOMIDAGI
NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**„TURKIY FILOGIYANING DOLZARB MASALALARI,
NAZARIYA VA INNOVATSION TA‘LIM
TEXNOLOGIYALARI“
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA
MATERIALLARI TO‘PLAMI**

HAMKORLAR:



Alisher Navoiy nomidagi O‘zbek tili va adabiyoti
universiteti bilan birgalikda Davlat tili bo‘limi bilan hamkorlikda

UDK 811.512/821.0

Turkiy filologiyaning dolzarb masalalari, nazariya va innovatsion ta'lim texnologiyalari: xalqaro konferensiya to'plami (2021-yil 18-oktabr)/O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti. – Nukus, Nukus pedinstituti tipografiyasi, 2021.

To'plamdan o'zbek va turkiy tillarning nazariy masalalariga, shuningdek, o'zbek tilini o'qitishning dolzarb muammolariga bag'ishlangan maqolalar o'rin olgan. Undan mazkur sohalarda ilmiy tadqiqot olib borayotgan olimlar, tadqiqotchilar, magistrant va talabalar foydalanishi mumkin va til nazariyasi hamda o'qish-o'qitish ishlarida ilmiy- amaliy ahamiyat kasb etadi.

Mas'ul muharrir:

Pedagogika fanlari nomzodi,
dotsent Sh.Buranova

Taqrizchilar:

Nukus DPI O'zbek tili kafedrası
dotsenti f.f.d. G.Kurboniyazov
QDU O'zbek tili va adabiyoti kafedrası
dotsenti f.f.n. I.Qurbonboyev

Ajiniyoz nomidagi Nukus DPI O'quv-uslubiy Kengashi tomonidan 2021-yil 8-noyabrdagi 2-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.

© Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, 2021

XXI АСР ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ЯНГИЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

К.Ҳамраев

*ТошДЎТАУ Адабиёт назарияси ва
замоновий адабий жараён кафедраси
доценти (в.б), фалсафа доктори*

Аннотация. Мақолада XXI аср ўзбек ҳикоячилиги ҳақида фикр юритилган. Бунда Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Нормурод Норқобилов, Абдуқайом Йўлдошев каби ёзувчиларнинг ҳикоялари махсус таҳлилга тортилган. Мақола жорий асрда яратилган ўзбек ҳикояларининг янгиланиш тамойиллари тадиқиға қаратилган. Бугунги ўзбек ҳикоячилигининг ўзига хос тенденциялари атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: ҳикоянинг жанр хусусиятлари, XXI аср ўзбек ҳикоячилиги, янгиланиш тамойиллари, ҳикоя структураси, ҳикоя сюжети, бадиий тасвир, бадиий деталь, “Жудолик қувончи”, “Қиёмат”, “Пуанкарэ”.

Annotation. The article is devoted to the Uzbek narrative of the XXI century. The stories of such writers as Nurulla Muhammad Raufkhan, Normurad Norkobilov, Abdukayum Yuldashev are specially analyzed. The article discusses the principles of updating the Uzbek fairy tale created in the current century. The features of today's Uzbek narration are highlighted in detail.

Keywords: genre features of the story, 21st century Uzbek storytelling, principles of renewal, story structure, story plot, artistic image, artistic detail, “Joy of Loss”, “Resurrection”, “Poincare”.

Ҳикоя ҳозиржавоб жанр. Унда ижтимоий ҳаётнинг майда ташвишларидан тортиб, миллий, глобал ва умумбашарий муаммоларнинг аксадоси эпик тафаккур маҳсули ўлароқ ўз ифодасини топади. Шу маънода эпик тафаккур тизимида ҳикоя адабий жараёнда юз берган ва юз беражак янгиланиш тенденцияларидан хабар берувчи жанрдир. “Агар биз, – деб ёзади Узоқ Жўракулов, – асл адабиётни воқелик касб этган бир кўзгуга истиора қиладиган бўлсак, ҳикоя жанри ушбу кўзгу синиқларидир. Аммо ҳикоянинг бор қудрати ҳам айнан шу синиқлигида. Заррада борлиқ, қатрада уммон, нур толасида қуёш акс этишини ёдга олсак, ҳикоянинг асл қудратини теран ҳис қиламиз”[2: 233].

Ҳикоя жанрининг бундай серқирра, универсал ва типологик хусусиятлари адабий-тарихий жараёнда ҳикоячилик анъаналарини шаклланишига замин ҳозирлаган. Бир сўз билан айтганда эпик тафаккур тизимида юз берган бадиий

Ўзгаришларнинг илк учқунлари ҳикояда кўринади. Шу боис муайян давр адабиётига доир янгиланишларни қайд этишда ҳам мазкур жанрнинг ўрни бекиёс. Агар XXI аср ўзбек ҳикоячилигига мана шундай нуқтаи назар билан қаралса, бир нечта ҳақли саволлар туғилиши табиий. Хўш, 20 йиллик вақт оралиғида ёзилган ҳикоялар ўзининг қандай поэтик изланишлари, бадий кашфиётлари билан тарихга айланиб, келаси замон адабий тафаккурига ишора қилади? Умумлаштириб айтганда, XXI аср ўзбек ҳикоячилигининг адабий жараёнидаги мавқеи, ютуқ ва камчиликлари нималарда ўз тадиғинитопади? Бу борада турли илмий нашрларда адабиётшуносларимизнинг махсус чиқишлари ҳам йўқ эмас. Йўлдошхўжа Солижонов, Қозоқбой Йўлдошев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Дилмурот Қуронов, Узок Жўрақулов, Баҳодир Каримов каби олимлар шулар жумласидандир. Масалан, Х. Дўстмуҳаммад бугунги ўзбек ҳикоячилиги ҳақида қуйидагича фикр юритади: *“Биринчидан, замонавий ўзбек ҳикоячилигининг ўқ томири халқ оғзаки ижоди намуналарига, шунингдек, қадимий мумтоз адабий меросларимизга, жумладан, Рабғузий, Амирий, Навоий, Бобур, Хожя, Гулханий ижодида алоҳида ўрин тутган насрий асарларга бориб тақалиши мутахассислар томонидан эътироф этилган. Иккинчидан, миллий ҳикоячилигимизнинг яна бир ўқ томири Боккаччо, Сервантес ва Эдгар По сингари адиблар асослаган ҳамда турли миллат ҳикоячилиги намояндалари уни давом эттирган ҳолда бунёд топган жаҳон ҳикоячилиги мактабида илдиз отган. Учинчидан, бир асрлик тарихга эга ўзбек миллий ҳикоячилиги шу давр мобайнида жуда катта янгиланиш, юксалиш йўлини босиб ўтди, ўз қиёфаси, ўз маҳорат мактабини яратди, шу орқали ўзбек ҳикоячилиги жаҳон ҳикоячилигининг ажралмас ва салмоқли саҳифасини ташкил этадиган даражага кўтарилди”* [1: 167]. Ҳам ҳиконавис, ҳам адабиётшунос сифатида билдирилган ушбу фикр XXI аср ўзбек ҳикоячилигига қаратилганлиги билан қимматлидир. Мақола миллий ҳикоячилигимизнинг назарий таянчи, янгиланиш тенденциялари ва Улуғбек Ҳамдамнинг “Яхшиям сен борсан” ҳикояси таҳлиliga қаратилган бўлиб, унда ҳикоянинг поэтик табиати, бадий қудрати, матонати, яшовчанлиги, такомилли, шавқ билан

ўқилиши ва ҳикояда шакл инқилоб эканлиги каби муаммолар юзасиданатрофлича фикр юритилган.

Яна бир адабиётшунос У.Жўракулов ўзининг 2012 йилда нашр қилинган ҳикоялар таҳлилига бағишланган “Хос калом хосияти” мақоласида XXI аср ўзбек ҳикоячилигида юз бераётган поэтик ўзгаришлардан сўз очади. Мақолада 2012 йилда эълон қилинган ҳикояларнинг 3 тури ҳақида мулоҳаза юритилиб, илмий-назарий хулосалар чиқарилади. Биринчи тур **ҳикоя истиора** бўлиб, *“бундай ҳикояларда ёзувчи томонидан танланган бирор мавзу ҳамда воқеа бирбутун истиора тизимига айлантирилади. Сюжет ва образ умумлашма(типологик) моҳият касб этади. Ҳикоя тили рамзлар силсиласига қурилади. Асар композицияси ўрнини истиора қолипи(метафорик модел) эгаллайди. Натижада ҳикоянинг макон-замон қамрови улканлашади. Маъно кўлами кенгаяди. Шуларнинг барчасини ўзида мужассам этган кичик эпик жанрдаги асар шак-шубҳасиз ҳикоя-истиора бўла олади ва у табиий равишда катта эпик жанрлар билан баҳсга киришади”* [2: 260].

Иккинчи тур эса **истиоравий ҳикоя** деб номланади ва *“бундай ҳикоялар тўлиғича истиорага қурилмайди, балки улардаги бирор мотив, образ ёки детал истиоравий функция бажаради. Ёзувчи бадиий ниятини намоёнлашда, асар бадиий зоясини ёрқин ифодалашда ҳикояга киритилган мана шундай истиора бўлаклари муҳим рол ўйнайди”* [2: 261].

Ҳикоя истиорага Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдаги кулба”, “Оддий ҳақиқат”, Л.Бўрихоннинг “Темир сандиқ”, Раҳимжон Раҳматнинг “Адашвой”, У.Ҳамдамнинг “Сафар”, Исажон Султоннинг “Сувдаги коса” каби ҳикоялар мисол қилиб олинса, У.Ҳамдам “Пиллапоя”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Шабада”, Нодир Норматовнинг “Гулдурак даштларида”, И.Султонинг “Авлиё” асарлари истиоравий ҳикоя сифатида талқин қилинган.

Учинчи тур ҳикояларни У.Жўракулов шартли равишда мистик ҳикоялар, деб номлайди: *“Ҳикоянинг бу шакли, умуман, жаҳон адабиёти тажрибасида бор. Айни шакл кейинги йилларда бизнинг адабиётда ҳам учраётган экан, буни табиий бир жараён, деб қабул қилиш керак. Лекин шуниси қизиқки, Европа,*

Лотин америкаси, хусусан, Мексика адабиётида бундай бадиий талқин шаклининг вужудга келиши ўша ҳудудлардаги маънавий-ахлоқий таназзулнинг оқибати ўлароқ кўзга ташланади. Чунки бу тур ҳикоялар реаллик билан одамлар орасида юргувчи хурофий тушунчалар қоришиб кетган, муқим бир эътиқодий таянч бўлмаган муҳитдаги фикр-қарашлар асосига қурилади” [2: 262].

Бундай асарлар сирасига Н.Арслоннинг “Сояда ухлаётган толеъ”, Назар Эшонкулнинг “Сибизға воласи”, Собир Ўнарнинг “Сафура холамнинг сири”, И.Султонинг “Қисмат”, “Боғи эрам”, “Ойдинбулок” каби ҳикоялар киритилади. Кўринадикки, учала тур ҳикояларда ҳам мазкур жанрнинг янгиланиш тенденциялари ҳақида гап боради. Бундай илмий кузатишлар ХХІ аср ўзбек ҳикоячилигининг бадиий сарҳадларини кенгроқ ёритишга хизмат қилади. Мана шундай мақолалар сирасига Б.Каримовнинг “Координаталар текислигидаги уч ҳикоя” мақоласи ҳам киради. Унда Шарқ адабиётидаги “назира боғлаш” анъанаси замонавий ўзбек ҳикоячилигида ҳам тажриба ўлароқ зоҳир бўлаётганлиги хусусида сўз юритилади. Дино Буцаттининг “Етти қават” номли асарига “назира” сифатида ёзилган Х.Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл” ҳикояси таҳлилга тортилади. Ҳикояларнинг сюжети, композицион қурилиши, образлар тизимидаги муштарак жиҳатлари, муаллифнинг бадиий нияти ва асар ғоясининг ўзига хос хусусиятлари қиёсий аспектда ёритиб берилади.

Демак, замонавий ўзбек ҳикоячилиги нафақат мавзу кўлами, поэтик изланишлари, балки танқидчи ва таҳлилчилари билан миллий адабиёт бисотида ўчмас бадиий из қолдирмоқда.

Аввало, айтиш жоизки, мазкур 20 йил ХХ аср ўзбек ҳикоячилигини кенг кўламда, борича кузатиш имконини тақдим қилди. Яъни турли газета, журнал ва кўлёмаларда “сочилиб ётган” ҳикоялар бир жилд остида тўплаб нашр қилинди. Бу эса ўтганасрдаюз берган поэтик ўзгаришларга қайта назар ташлашга замин ҳозирлади ва ўзбек ҳикоячилиги мактаби анъаналари жорий асрда ҳам давом этаётганлигидан далолатдир. Масалан, “ХХ аср ўзбек ҳикоялари антологияси”(2009), “ХХ аср:муҳаббат ҳақида 20 ҳикоя”(2015), “Оқ

тирноқ”(2016), “Онажон – Каъбам ўзинг” (2016) каби ҳикоялар тўпламларининг чоп этирилиши ўзбек ҳикоячилигининг эпик тафаккуридан хабар беради. Бундан ташқари, Шукур Холмирзаевнинг уч жилдлик(2006), Назар Эшонқул “Ялпиз ҳиди” (2008), Аҳмад Аъзам “Ҳали ҳаёт бор” (2011), Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Пуанкаре” (2014), Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдаги кулба” (2014), Х. Дўстмуҳаммаднинг “Қичқирик” (2014), Ўткир Ҳошимовнинг “Турмушнинг тўрт тиргаги” (2015), Хуршид Дўстмуҳаммад “Қичқирик” (2014), Омон Мухторнинг “Суратдаги йўлбарс”(2016), Нормурод Норқобиловнинг “Четдаги одам” (2016) каби ҳикоялар тўпламлари мазкур асрда нашр қилинди. Натижада, ҳикоя жанрининг поэтик қонуниятларини бир ёзувчи ижоди мисолида ўрганиш имкони тўғилди. Энг муҳими, бундай китоблар икки асрнинг бадиий тафаккурини туташтирувчи, шахс ва давр муаммоларини кўрсатувчи, ҳикоячилигимизнинг янгиланиш тамойиллари ва услубий изланишларини ўзида акс эттирувчи ноёб хазина, десак янглишмаймиз. Юқоридагиларга таяниб биргина Ш.Холмирзаевнинг уч жилдлик ҳикоялар тўпламига назар ташланса, фикрлар янада ойдинлашади. Мазкур сайланмада адибнинг 1965–2005 йиллар оралиғида ёзилган ҳикоялари тўпланган бўлиб, биринчи жилдда ёзувчининг 52та (380 саҳифа), иккинчи жилдда 15та (424 саҳифа), учинчи жилдда 10та (512 саҳифа) ҳикояси жамланган. Ушбу рақамлардан кўринадики, ёзувчининг ижодида ҳикоя жанрининг турфа хил намуналари мавжуд.

Ёзувчининг бадиий услуби, поэтик тафаккур тили унинг роман, қиссаларида эмас, балки ҳикояларида ўз имкониятларини намоён қилади. Ҳажман кичик ва йирик ҳикоялари билан ўзбек ҳикоячилигининг янги мактаби асосчисига айланди. Айниқса, “Кузда баҳор хавоси”, “Озод”, Банди бургут“, “Ўзбек бобо” асарлари билан адабиётимизда ўтиш даври одамларининг бадиий киёфасини кўрсатиш билан бирга ўзбек ҳикоячилигидаги поэтик тасвир аслаҳаларини бойитди.

Иккинчидан, XXI асрга келиб, адабий ҳаётда ҳикоя жанрининг нашр кўламикенгайди. Бир-бирдан қизиқарли ҳикоялар газета, журнал ва ижтимоий

тармоқларда адабий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. “ЎзАС”, “Маърифат”, “Китоб дунёси” газеталари, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Facebook” ижтимоий тармоқлари чин маънода ҳикоя майдонига айланди ва ўз ўқувчиларини топди. Назар Эшонқулнинг “Баҳовуддиннинг ити”, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдагикулба”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Қичқирик”, Исажон Султоннинг “Тошкеличак”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Бир пиёла сув”, Нормурод Норқобиловнинг “Жудолик қувончи”, Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Пуанкаре”, Эшқобил Шукурнинг “Акам қияпти”, Шодмонқул Саломнинг “Ҳалажи” каби ҳикоялари нашр этилар-этилмас, адабиётшунослар томонидан таҳлилга тортилди ва турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Кейинчалик ушбу ҳикоялар сарлавҳаси остида ёзувчиларнинг тўпламлари нашр қилинди. Шу тариқа ҳикоя бугуннинг жанрига айланди. Ҳозирга адабий жараённинг етакчи жанри сифатида эътироф қилинди. Бир вақтлар қадимги юнонларда трагедия, Шарқ адабиётида ғазал жанрлари энг кўп мутолаа қилинган бўлса, эндиликда ўзининг бугунбоплиги, ижтимоий салмоққа эгаллиги ва эпик тафаккурнинг мўъжаз бир қисми маҳсули ўлароқ, поэтик бутунликни ифодалаши билан адабий жараёнда ҳикоя бадиий қарвон қўнғироғига айланди.

Учинчидан, ўзбек ҳикоячилиги ибтидосидан бошланган турли композицион усулда ҳикоя ёзиш анъанаси бугунги кун ҳикояларида ҳам қузатилмоқда. Агар XX аср ўзбек ҳикояларининг тарихий-назарий хусусиятларига назар ташланса, ҳикояга хос бадиий композициянинг ҳар бир ҳикоянавис ижодида ўзига хос тарзда поэтик бутунлик касб этганлигини кўрамиз. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби ижодкорлар феномени маҳсули ўлароқ камол топган ҳикоя жанри Абдулла Қаҳҳор ижодида янги босқичга кўтарилган бўлса, Шукур Холмирзаев мазкур жанрнинг поэтик имконияти серкатлам эканлигини исботлаб, замонавий ўзбек ҳикоячилиги мактабига асос солди. Айтиш мумкинки, бундай композицион услубий изланишлар истиқлол даври ўзбек ҳикоячилигига ҳам бирдек тегишли. Дейлик, Олим Отахонов, Назар Эшонқул ҳикояларида ботиний кайфият

кечинмасининг бадий тасвири, Мурод Муҳаммаддўст, Эркин Аъзам ҳикояларида самимий киноя ва халқона оҳанг ифодаси, Аҳмад Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларидаги батафсил тавсиф мароми кабилар ўзбек ҳикоячилигининг тарихий тадрижига хос композицион ўзгаришларни ўрганиш эҳтиёжи борлигини англатади. Ҳатто бу каби поэтик изланишлар айрим ёзувчилар ижодида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Ш.Ҳолмирзаев, Н.Муҳаммад Рауфхон, Н.Эшонқул ҳикояларимахсус ўрганилса, ушбу қараш шунчаки назарий гипотеза эмаслиги ойдинлашади. Дейлик, Ш.Ҳолмирзаевнинг 3 бетлик “Нотаниш одам” ҳикояи билан 192 бетлик “Ўзбек бобо”, Н.Муҳаммад Рауфхоннинг маиший сюжет талқинига қаратилган “Оқ бино оқшомлари” ва бадий вақт нуқтаи назаридан кенг қамровли метафорик модел асосига қурилган “Этакдаги кулба”, “Қиёмат” ҳикояларига қиёсий аспектда қаралса, ҳикоя ёзувчининг ижод лабораториясини анализ қилишда ҳам қўл келишини кўрамиз. Ҳикоя эпик тафаккур тизимида роман ва қисса жанрларидан шуниси билан фарқланади. Романда муаллифдан шахс тафаккури қуввати талаб қилинса, қиссада муаллиф образининг ботиний олами, маънавий қиёфаси акс этиши билан характерланади. Ҳикоя “оға” жанрларга қараганда ўзининг универсаллиги, эпик тасвир йўсини, адабий-тарихий жараён махсули ўлароқ, чумоли янглиғ меҳнатсеварлиги эпик тафаккур сарҳадларида азалдан муттасил ҳаракатда эканлиги билан мўъжаз мўъжиза асар ҳисобланади. Ҳикоя улкан вақт қамровини жиловлаши инсон ҳаётининг лаҳзасини воқеликка муҳрлаб кўрсатишга, миллий ва умуминсоний фазилатлардан сўз очишга жаҳд қилиши билан эпик тафаккур тизимида ўз ўрнига эга. Ҳикоянинг бундай серқирра, бадий функционал хусусиятлари замонавий ўзбек ҳикояларига ҳам бирдек тегишлидир. Мана шундай ҳикоялардан айримлари ҳақида мухтасар фикр юритсак. Бунда, аввало, XXI аср ўзбек ҳикоялари турли услубда, хилма-хил мавзуда яратилганини ҳисобга олиш лозим. Шу боис замонавий ўзбек ҳикояларини муайян таснифлар орқали эмас, ёзувчининг воқеликка муносабати, эпик тасвир йўсини ва турли мавзуларнинг бадий талқинига қаралса, мазкур муаммога кенгроқ назар ташлаш имкони туғилади. XXI аср

насида ўзининг “Чилла”, “Оддий ҳақиқат”, “Этакдаги кулба”, “Қиёмат” ҳикоялари билан танилган ижодкорлардан бири Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхондир. Унинг 2019 йилда “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган “Қиёмат” ҳикояси улкан вақт қамровини жиловлаши ва башарият фожиасининг бадий талқинига қаратилгани билан қимматлидир. Ҳикоя сюжети ота ва ўғил, бобо ва неvara қисмати ҳамда қиёматнинг аломатлари асосига қурилган. Унда жарчилар авлоди ҳаёти, уларнинг бошига тушган кўргуликлар баён қилинади. Ота-боболар замонидан мерос сифатида авлодларга ўтиб келаётган жарчилик касби орқали жамиятнинг маънавий инқирози кўрсатилади. Ҳикоянинг марказий нуқтаси унинг илк жумласига кўчади. *“Жарчи ҳар куни эрта уйғонади. Раҳматли отаси болалигидан уни шунга ўргатган. Ювиниб-тозаланиб, ич уйга кириб, тонгги намозга жар солади. Жарчилик унга раҳматли отасидан ўтган. Отаси айтишича, унинг ҳам отаси шу қишлоқда жар чақириб ўтган. Ундан олдин катта бобоси... Бу наслга ўзи жарчиликка дуо кетган”* [4]. Ушбу тезис жумладаги “ич уй” сўзи ҳикоянинг ритмига ишора қилади ва ўқувчини ҳайратлантиради. Нега энди азон “ич уй”да чақирилиши керак? Мазкур савол ўқувчини навбатдаги сатрларга олиб ўтиши билан бирга муаллифнинг бадий ниятидан сўз очади. Илк жумладан сўнг қахрамоннинг етти пушти жарчи ўтгани, уларнинг жамиятдаги мавқеи, бир вақтнинг ўзида ҳам хабарчи, ҳам муаззин вазифасини бажариши ретроспектив усулда баён қилинади. Бундай тасвир йўсини ҳикояда антитезис сифатида ўтган замоннинг улкан воқелигини жиловлаб ифодалашга замин ҳозирлайди. Ҳикояда “ич уй”, жарчи, етти пушт, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган маърифий ип, вайронага айланган минора ва масжид деталлари метафорик маъно касб этган. Жарчи тимсолида бутун халқ, миллат ва башариятнинг умуминсоний фожиаси талқин қилинади. *“Бир куни шундай бўлди – ота жарчига иш қолмади. Жар чақирса, ўликка ё тўйгагина чақирадиган бўлди. Уйга биқинди. Намозга жарни ҳам уй ичида айтадиган бўлди. Пастгина товушида... Биров эшитиб қолмасин деб... Ўрганган. Қандай ташлайди? Ўртада отасининг васияти бор. Минг йилдан бери суриб келаётган оила ипи унга келганида узилсинми? Асрлар*

қаъридан огиздан-огизга, қўлдан-қўлга ўтиб келган омонатга у хиёнат қиладими? Наҳот энди ҳаммаси тўхтайди?!” [4]. Ушбу ўринда илк жумладаги жумбоқ ойдинлашади, яъни “деворга осифлиқ милтиқ отилади”. Ҳикояда кўтарилган муаммо конкретлашади. Ҳикоянинг антитезис лавҳасида халқнинг яхши ва ёмон кунида ёнида турувчи жарчининг жамиятдаги мавқеи, энг асосийси ҳақ йўлида қилинган чақириққа “лаббай”, дея саждага боришлари, ота-боболарининг изларидан емирилиб кетган минора зиналари, масжид номозхонлар билан тўлиб-тошгани аждодлар даврида бўлганига ишора қилинади. Эндиликда жарчининг жарини ўзоиласи ҳам, жаҳолатга юз тутган халқи ҳам унутди. Азон ҳам, намоз ҳам кўчада жон сақлолмай қолди. Шу тариқа азон ва намоз жарчилар авлоди вакилларининг қонида, қалб тўрида яшаётганди. Ота жарчининг бирдан-бир вазифаси боболардан қолган ипни ўғли юрагига жо қилиш эди. Бу эса қулоғи қар, кўзи кўр қабилида яшовчи одамлар орасида амалга ошириш мушкул бўлган иш эди.

Аммо кунларнинг бирида отажарчи бунинг уддасидан чиқди: “Бир куни ўғлини қошига чақирди.

– Энди айтаман, болам, – деди. – Қулогингни оғзимга яқин тут. Ўғил ҳайрон бўлди. ...

– Янаям яқинроқ кел, – деди касал ота. Ўғил қулогини отасининг лабларига босди. Ота шивирлай бошлади. ... Бобоси отасига, отаси унга ўтказиб кетган маънавий ип учини давомчисининг, меросчисининг юрагига боғлаб қўйишига ҳаракат қиларди... Бир дам келди, гўё оғиз билан қулоқ йўқолди, ўртада ёлғиз юрак билан юрак қолди. Шивирлаётган оғиз эмас, юрак бўлди. Эшилтаётган ҳам қулоқ эмас, юрак бўлди. Замонлар оралаб аждоддан авлодга ўтиб келган бирнима ота юрагидан ўғил юрагига тўғридан-тўғри, ҳеч қандай воситасиз, ишлқ этиб ўтиб олди гўё...” [4].

Ўғил жарчи отасидан фарқли ўлароқ элни тўғри йўлга бошлашга киришди. У 5 маҳал тепаликка айланган минорадан азон чақириб, ўз қишлоқдошларига умид билан юзланар эди. Бироқ “оқил жамият” мўйсафиди томонидан ўғил жарчи қисматига “тентак” ёрлиғи муҳрланди. Қишлоқ

одамлари “тентак жарчи”ни томоша қилиш учун йиғиладиган бўлди. Ота жарчини қишлоқ одамлари “ич уй”(бу ерда “ич уй” ота қалбининг рамзий ифодаси – таъкид бизники)игача таъқиб қилган бўлса, ўғил жарчини телбага чиқарди. Ҳикояда уч авлод умрининг рамзий тасвири орқали уч замон хронотопининг чегараларига даҳл қилинган:

1. Ота-боболар даври – энг яхши кишилар замони;
2. Ота жарчи яшаган йиллар – жамиятнинг илоҳий ипдан узилиб, залолатга юз тутган даври;
3. Ўғил жарчидаври – қиёмат аломатларининг юзага чиқиши, яъни қишлоқ одамларининг зулм ботқоғига ботишдан тортиб, ўғил жарчининг янток устида азон чақиришигача бўлган даврни қамраб олади.

Хуллас, ҳикоя сюжети ўтган, ҳозирги ва келаси замон пучмоқлари асосига қурилган. Катта жанрлага хос воқеликни ифодалаш билан бирга миллий ва умумбашарий муаммоларнинг бадиий талқинига бағишланган. Бундай типдаги ҳикоялар катта адабиётнинг дебочаси ўлароқ ҳозирги адабий жараён бағрида куртак ёзаётганлиги қувонарли ҳодиса. Албатта, бундай янгиликлар фавқулудда ҳодиса эмас, асл адабиётнинг генида мавжуд ноёб қонуниятларни англаш натижаси маҳсули, десак адашмаймиз.

Нормурод Норқобиловнинг “Жудолик қувончи” ҳикояси ҳам мана шундай мезонларга таяниб ёзилган. “Қиёмат”дан фарқли ўлароқ мазкур ҳикояда инсон умрининг оний лаҳзалари бадиий талқин қилинган. Ҳикоя сюжети Норбой чолнинг умри поёнида бошига тушган кўргўликлари ва ўлим изтиробининг ғайриоддий сезими тасвирига қурилган. Ҳикоянинг сарлавҳасиёқ кишини ҳайратга солади. “Жудолик қувончи” – бу икки зид туйғунинг бир мурғак қалбда зоҳир бўлиши ишонарли тасвирланган. Ҳикоя воқеаси Норбой чолнинг оиласида юз беради. Жуфтидан жудо бўлган чол ўз уйида сигиндибўлиб қолади. Уни фақат шаҳарлик ўғли Мусо иззатини жойига кўяди. Аммо бу иккисининг бири олисда, бири мурғак бола эди. Ёлғизланиб қолган чол қишлоқ биқинидаги дўнгликда қотган нон ушоқларини шимиб ўтиришниодат қилганди. Қотган нон детали чол қисматига паралелл қўйилади.

Ушбу образ деталь қахрамон руҳиятини очишдан ташқари сюжет воқеасини баён қилишда, ота ва фарзанд муносабатини ифодалашда ҳикоя структурасида бадиий функция бажаради. Айниқса, ҳикояда қишлоқ биқинидаги дўнглик ровий образининг минбаридек таассурот қолдиради. Ҳикоянинг аксарият лавҳалари мана шу нуқтадан баён қиланади ёки кузатилади. Образларнинг ҳикоя саҳнасига кириб келишида, сюжет таркибида, бадиий конфликт ҳосил қилишда персонажларнинг ўзаро диалогларини уюштиришда дўнглик хронотопи муаллифнинг бадиий ниятига мувофиқ поэтик марказга айланади. Гўё Норбой чолнинг ҳаёти давомида йиғган-терганлари, тарбиялаб вояга етказган фарзандлари, қурган бинолари бир зумда вайрон бўлиб, дўнглик ҳосил қилгандек ўқувчини ҳайратлантиради. Айнан ушбу жойга нисбатан баландлик, тепалик эмас, дўнглик, деб ном берилишининг сири ҳамшунда бўлса керак. Ҳикояда персонажларнинг исмлари ҳам шунчаки танланмайди. Уларнинг феъл-атвори, сюжет чизиғидаги бадиий вазифасига берилади. Масалан, ҳикояда чолнинг куёви Ёмонкул орқали писмиқ, бадфеъл образ қиёфасини гавдалантирса, Бозор тимсолида ота қадри ва фарзандлик бурчини унутиб, нафс кишисига айланган образ тасвири чизилади. Бироқ ҳикоядаги бу каби бадиий прёмларлар унинг ҳаққоний бадииятини очишда ожизлик қилади, назаримда. Чунки бундай типдаги ҳикояларнинг ўзига хослиги муҳаббатнинг нафратга, нафратнинг муҳаббатга ўтиш онлари ҳамда бир пайтнинг ўзида қайғу ва қувончнинг бир танда ҳис этилиш жараёни воқелик фонида ифодаланишидир. Шунингдек, Шарқ адабиётида кўп бор мурожаат қилинган ўлимнинг исмсиз изтироби бугунги одам онгу шуурида янгидан тикланиши, асл адабиёт анъаналарининг айни адабий жараёнда ҳам давом этаётганлигига далолат қилади. “Ҳамиша қийин очиладиган дарвоза нолакор ғийқиллаб аввал қия, сўнг кенгроқ очилиб, унинг қаршисида аммасининг тажангтоб қиёфаси намоён бўлади. Амма уйидагилар таъсири туфайли кейинги вақтда саломниям йиғиштириб қўйган жиянига ҳайрон тикиларкан, лаҳзанинг юздан бир улушида ҳаёлидан ўтгани шу бўлади. Шу қиз туғилганида амма сифатида қанчалик қувонмагани у. Туйғулари марварид янглиғ гўзал ва сержило эди. Ажаб, бу

туйғулар устига қачон гард ўтира қолди экан? Гоҳида у ўша ёқимсиз гардни энгил бир ҳимо билан сидириб ташлаб, қалбининг қай бир бурчига яширинган сержило туйғулар ёғдусидан баҳра олгиси келади”[5: 110]. Ушбу лавҳада тасвирланган амманинг тажангтоп қиёфаси, қизчанинг ўз аммасига саломини ҳам бермай қўйганлиги, оилавий адоват кабилар бир сўз билан айтганда “Ҳар ким экканини ўради”, деганлариндек муҳаббат муҳаббатни, нафрат нафратни пайдо қилиши ойдинлашади.

Ҳикоя сўнггида воқеалар ривожини қишлоқ четидаги дўнгликдан катта ўғил Бозорнинг ҳовлисидаги чолнинг ҳужрасига кўчади. Охир-оқибат чол ҳужрасида кичик ўғли Мусони қайта-қайта сўраб вафот этади. *“Чолнинг хеш-ақробаларию неваралари жуда кўплиги ўша куни билинди. Таёқ тутганлар сероблигидан супада жой етишмайди. Қисқаси, кенг ҳовлининг деярли чорак қисмини таёқ тутганлар эгаллади. Бироқ улар орасида фақат икки кишигина чинакамига ёш тўкарди. Бири – Мусо, иккинчиси эса, бола. Аммо у Мусо тоғаси каби айрилиқдан эмас, қувончдан йиғларди. Мана энди бовосини ҳеч ким жеркимайди, силталамайди, уятга қолдиряпсиз, деб қўлидаги бурда нонини тортиб олмайди.*

Бола эзилиб-эзилиб, қувониб-қувониб йиғларди. Айтиб-айтиб, ичида эса кимларнидир яниб-яниб йиғларди” [5: 113]. Энг қизиғи дўнглик тепасида бошланган ҳикоя чолнинг ўлими туфайли тупроқ остида ўз якунига етади. Ҳатто чолнинг кундалик машғулотига айланган қотган нон ушоқлари ҳам чумолиларнинг бир тану бир жон бўлиб, ўз уйига ташишлари натижасида еростига йўл олади. *“Дераза раҳида эса кеча чолнинг қўлидан тортиб олинган нон бўлаги ётарди. Аллақачон унга эга чиққан чумолилар бандаларнинг бу ёлгон уввослари билан ишлари йўқ, нон увоқларини бир жону бир тан бўлиб, ими-жимида ўз инларига таширди”* [5: 113].

Фикрларни умумлаштириб айтганда, Н.Норқобиловнинг “Жудолик қувончи” ҳикояси ўзининг мавзу кўлами, ифода тарзи ва ўзаро зидтушунчаларниёгона фокусда жамлаб тасвирлаш йўсини билан ҳозирги

адабий жараёнда юз бераётган янгиланишларнинг типик намунаси ҳисобланади.

А.Йўлдошнинг “Пуанкаре”си ҳам ХХІ аср ўзбек ҳикоялари ичида ўзининг ноанъанавийлиги ҳикоялаш усулининг ўзгачалиги ва муаммо ечимининг аниқлиги билан нафақат ёзувчи ижодида, балки адабий жараёнда ҳам ўз ўрнига эга.

Ҳикояда одам ва олам муносабати, олимлик ҳамда оила масъулияти Пуанкаре гипотезаси орқали тасвирланган. Асар воқеаси олим йигит атрофида кечади. Оила ташвишларига ўралиб Пуанкаре гипотезасини охиригача исботлашга улгурмаган олим одам образининг нуқтаи назари орқали ҳикоя сахнасида бир нечта персонажларнинг феъл-атвори, маънавий қиёфаси кузатилади. Ҳикоядаги бундай баён усули қаҳрамон образининг ўз-ўзини фош этишига сабаб бўлса, иккинчидан, ёзувчи бадиий концепциясини англашга туртки беради. Бундан ташқари муаллиф ғоявий-бадиий ниятини ҳикояда портрет, кўлёзма, театр лавҳалари қатида тасвирлаган. Демак, ҳикоя воқеасининг “мен” тилидан баён этилиши, қаҳрамон образининг нуқтаи назари биринчи планга чиқарилиши, бадиий деталлар тасвирида ёзувчининг бадиий мақсади акс этиши каби уч омил ҳикояни тушунишда муҳим восита саналади.

Ҳикояда олим йигит кўлидан кўймай олиб юрадиган портфель қаҳрамон ҳаётининг рамзий ифодаси бўлса, кўлёзма унинг орзу мақсадлари тимсоли сифатида ҳикоя воқеаларини бир нуқтага жамлайди. Аслида ҳикоядаги ҳар бир персонажнинг ўз портфели бор. Фақат портфель ичидаги кўлёзма ҳар бир кишининг қисматидан сўз очади. Дейлик, ҳикоядаги Тиркаш, устоз ва шогирд образининг ҳаёт йўлини эслаш кифоя. Кунларнинг бирида тўсатдан олим йигитни машина туртиб юбориши ва унинг портфелидаги кўлёмаларнинг сочилиб кетиш лавҳаси айни образнинг Пуанкаре гипотезаси билан боғлиқ қисматинирамзий тасвири дейиш мумкин. “Портфелимнинг аста-секин, мен билан бирга қариб бораётганини ҳам табиий жараён сифатида қабул қилишди, чоғи. Чин сўзим, агар портфелимга муштдеккина бош битганида эди, у ҳам меники сингари қалтираб турадиган бўлиб қоларди; озгинагина забон

бўлганида эди, у ҳам меникига ўхшаб тутилиб-тутилиб қоладиган одат чиқарарди” [3: 91]. Ҳикояда математик олимнинг атрофидаги одамларга муносабати билан бирга устоз-шогирд масаласи кенг тасвирланади. Орзу-мақсадига шогирди орқали эришишни ният қилган устоз ўз ўтмиши такрорланаётганидан оқ чекади. Пуанкаре гипотезасини исботлашга бир қадам қолганда ёш йигит ҳам оила қуриш мақсадида устозининг хоҳиш истакларини рад этади. “Тарихнинг такрорланишини қаранг. Ҳар қалай, тараққиёт спиралсимон шаклда эканлиги рост, шекилли. Биласизми, барибир тараққиёт бор. Худди шу гапларни мен ўттиз йил бурун тўйим олдидан ўзим ўзимга айтгандим, ўзим ўзимни ишонтиргандим. Сиз бўлса менга овоз чиқариб айтяпсиз. Ўшанда менам Пуанкаре кутиб туради дегандим. Пуанкаре кутиб турди, албатта, роса кутди, сабр-тоқат билан ўттиз йил кутди” [3: 125]. Тез орада Санкт-Петербурглик олим Перельман 41 ёшида Пуанкаре гипотезасини исботлагани ҳақида хабар тарқайди. Қирқига чидаб қирқ бирига чидай олмаган устоз-шогирд куруқ қўл билан қолади.

Бир қарашда ҳикоя воқеаси хронологик тартибда баён қилинганлиги сабаб қисса жанрига хос эпик тафаккур камрам олгандек кўринади. Адабий жараёнда ҳам мазкур ҳикояни қисса дейиш керак, деган қараш устуворлик қилади. Бизнингча, бундай баҳс-мунозараларни келтириб чиқарувчи нукта ҳикоянинг бадиий вақти билан боғлиқ. Яъни ҳикоя воқеаси ретроспектив (орқага қайтиб тасвирлаш) усулидан эмас, балки хронологик кетма-кетликда баён этилиши билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, ҳикоя ровийси воқеа сўнгида биринчи шахсдан учинчи шахсга ўтиб қолиши, образлар тасвиридаги публицистик услуб асар бадииятига соя солади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳикояда ҳар бир одам ҳаётидаги асл гипотезани топиши ва уни тўла-тўқис исботлаш учун, аввало, ўзлигини англамоғи шарт, деган ўғитни уқтиради.

Хуллас, фикрларни умумлаштириб, мухтасар тезис жумлаларда ифодаласак, қуйидагилар ойдинлашади:

Биринчидан, XXI асрга келиб турли матбуот нашрлари ва кўлёзма шаклидаги ҳикоялар жамланиб, тўплам кўринишида чоп қилинди;

Иккинчида, XXI аср ўзбек ҳикоячилигининг 20 йиллик намуналарининг айримлари ўзининг мавзу кўлами, поэтик топилмалари ва такрорланмас эпик тасвир йўсини билан асл адабиёт бисотидан ўрин олди;

Учинчидан, ҳикоя адабий жараёнда ўзининг бугунбоплиги ва ҳозиржавоблиги билан эпик тур тизимида етакчи жанрга айланди;

Тўртинчидан, XXI асрнинг асл ҳикоялари адабий жараёнда эпик тафаккурдаги ўзгаришларни белгиловчи жанр сифатида бадиий қарвон кўнғироғи вазифасини бажаради;

Бешинчидан, Шарқ адабиётининг бош мавзулари дунё ва охират, ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик, ростлик ва ёлғон кабиларнинг замонавий ҳикояларда намоён бўлаётганлиги қувонарли хол. Зотан, ўзининг асл миллий адабиёти тарихига доир анъанавий сюжет, образ, деталь ва мотивларнинг силсиласидан мутлоқо узилган ёки уларнинг тавсифига қурилган асар ҳар қанча “ҳай барақалла” қилинмасин вақт ғарвири остидан жой олмоғи тайин.

Адабиётлар:

1. Дўстмуҳаммад Х. Ҳикоянинг такомил йўли (Сарчашма мавжла-ри). – Т.: Машҳур-пресс, 2016. – Б.167.
2. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги НМИУ, 2015. – Б.233.
3. Йўлдош А. Пуанкаре. – Тошкент: Академнашр, 2014. – Б.91.
4. Муҳаммад Рауфхон Н. Қиёмат. Шарқ юлдузи, 2019 й. – №6.
5. Норқобилов Н. Жудолик қувончи (Четдаги одам. Ҳикоялар). – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2016. – Б.110.